

**БЎЛАЖАК ТАРИХ ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ КАСБИЙ
ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК
АМАЛИЁТДАГИ ҲОЛАТИ**

Қодирова Наргиза Мухтаровна

Янги аср университети ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақола педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак тарих фани ўқитувчиларда касбий тайёргарликни такомиллаштиришда назарий билимларни педагогик амалиётда янада мустаҳкамлашнинг самарадорлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Таянч сўзлар: ўрта махсус, профессионал таълим, педагогик амалиёт, тарих дарслари, тарих, пирамида, илмий, мутахассис

Бўлажак тарих фани ўқитувчиларини педагогика олий таълим муассасаларида олган назарий билимларини келгуси касбий фаолиятида тўғри амалга оширишда педагогик амалиёти муҳим ҳисобланади. Педагогик амалиёти даврида бўлажак тарих фани ўқитувчиларнинг эгаллаётган касбига доир билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш амалга оширилади. Бўлажак тарих фани ўқитувчиларни касбий фаолиятга талаб даражасида тайёрлаш учун биринчи навбатда, уларга шу йўналиш бўйича етарли назарий ва амалий билимларни бериш зарур.

Педагогик амалиёт даврида бўлажак тарих фани ўқитувчиси ўз касбини амалий жиҳатдан чуқур эгаллаши учун имконият яратилади. Бу келгусида бўлажак тарих фани ўқитувчисининг ўз ишининг етук мутахассиси бўлиб етишишига асос бўлиб хизмат қилади. Педагогик амалиёт жараёнида касбий кўникмаларнинг тўла шаклланиш имкониятлари

рўёбга чиқади. Педагогик амалиёт ҳам бевосита ўқув жараёни ҳисобланиб, уни тўғри ташкил қилиш ҳамда ўтказиш бўлажак тарих фани ўқитувчисининг келгусидаги мустақил касбий фаолиятига тайёрлашда муҳим ўрин тутати. Шунинг учун ҳам бўлажак тарих фани ўқитувчиси кафедра жамоаси, методист ўқитувчи, педагог ва психологлар, педагогик амалиёт олиб бориладиган умумтаълим, ўрта махсус ва профессионал таълим жамоасининг бу ишга жиддий ёндашиши талаб этилади.

Педагогик амалиётдан кўзланган асосий мақсадлардан яна бири, олинган билимларни муайян илмий, ижтимоий, маданий вазифаларни ҳал этишда қўллаш, ижодий ишлаш, ишлаб чиқиладиган муаммонинг қўйилиш жараёнидан бошлаб, уни тўла ниҳоясига етказиш бўйича қарор қабул қилишда бўлган масъулиятни ҳис этишга ўргатиш, замонавий ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, техниканинг ривожланиши шароитида бўлажак тарих фани ўқитувчиларини мустақил ишлашга тайёрликлигини таъминлашдан иборат.

Педагогик амалиёт мазмуни ва бўлажак тарих фани ўқитувчилари фаолиятида билимларнинг асосий турларини қиёслаш асосида уларнинг ўхшаш жиҳатлари аниқланади. Шунинг учун педагогик амалиёт қуйидаги йўналишларда ташкил этилиши мумкин: бўлажак тарих фани ўқитувчиларида илмий дунёқарашнинг шаклланиши учун зарур бўлган илмий далиллар, назарий қоидалар, қонуниятларга таяниш орқали билим ва асосий тушунчалар тизимини бойитиш; умумкасбий ва махсус фанлар учун умумий бўлган билим, кўникма, малакаларни ва фанлар ўртасидаги боғлиқликни ўзлаштириш ҳамда кўникмаларини шакллантириш. Масалан, топшириқни таҳлил қилишда харита билан ишлаш, тушунчалар асосида мисоллар танлаш, педагогик амалиёт материаллари асосида эгалланган билим, кўникма, малакаларни тўғри қўллай олишга нисбатан муносабатни

шакллантириш, амалиётда қўллашда касб ва меҳнат кўникмаларини ривожлантириш.

Тарих дарсларида бўлажак тарих фани ўқитувчиларда касбий тайёргарни такомиллаштиришда интерфаол методлардан “Биламан. Билишни ҳохлайман. Билиб олдим” методидан фойдаланиш юқори самара беради.

Хусусан талабалар 6 гуруҳга бўлинади. Ҳар бир гуруҳ ўз гуруҳини номлайди. Аудитория доскаси 3 қисмга бўлиб чизилади. Биринчисининг юқори қисмига “Биламан”, иккинчи қисмига “Билишни ҳохлайман”, учинчи қисмига “билиб олдим” деб ёзилади. Сўнгра ўқитувчи даъват босқичига ўтади, янги гуруҳлардан бугунги ўтиладиган мавзу билан боғлиқ нималарни билишларини сўрайди ва ўқувчиларнинг мавзу ҳақида билганларини “Биламан” устунига ёзиб боради. Бўлажак тарих фани ўқитувчиларнинг фикрлари рағбатлантирилган ҳолда қабул қилинса уларнинг фаоллиги ошади, эркин фикрлаш доираси кенгаяди [1].

Бўлажак тарих фани ўқитувчилари матнни ўқиб чиққач, фикрлаш босқичига ўтишади, яна нималарни билиб олганликларини фикрлай бошлайдилар ва гуруҳларда ўзаро ўртоқлашгач, янги мавзуга оид қўшимча равишда билиб олган маълумотларини ифода этишади яъни умумий мақсадга етиш учун ҳамкорликда ишлаш кўникмалари шаклланади. Педагог билдирилган фикрларни “Билиб олдим” устунига ёзиб боради. Мисол тариқасида қуйидаги жадвални тақдим этамиз:

Мавзу: Пирамидалар ва макбаралар.		
Биламан	Билишни ҳохлайман	Билиб олдим
1. Пирамидалар ромбсимон учбурчак бўлади.	1. Пирамидалар қандай бунёд этилган.	1. Пирамида – фиръавн макбараси эканлиги.
2. Пирамидалар Мисрнинг сахро	2. Пирамидалар номларини.	2. Хуфу, Хафра, Менкаура энг машҳур пирамидалар ҳақида.
	3. Нима мақсадда қурилганини.	

қисмида жойлашган. 3. Пирамидалар Фиръавнларнинг қабрлари. 4. Сфинкс ҳайкали танаси арслон сифат ҳайкаллиги. 5. Пирамидани мўжиза эканлиги.	4. Пирамидалар ҳажми (бўйи, баландлиги) ҳақида маълумот олиш.	3. Энг катта Хуфу пирамида ҳақида, унинг ҳажми қанчалиги. 4. Саркофаг – тоштобут нима эканлиги. 5. Сфинкснинг нима мақсадда қурилгани. 6. Энг машҳур мақбара Тутанхамон эканлиги. 7. Мумёланиш 70 кун давом этилиши. 8. Мисрнинг муқаддас ҳайвонлари ҳақида. 9. Қора қўнғиз, Бастет ҳақида маълумотга эга бўлганлиги.
--	--	---

Гуруҳлар фаолиятини тугатгач, иккинчи “Билишни ҳоҳлайман” қисмига ўтилади. Педагог бўлажак тарих фани ўқитувчилардан мавзу билан боғлиқ яна нималар билишларини ҳоҳлашларини сўрайди ва бўлажак тарих фани ўқитувчиларини яна ўйлашга даъват этади. Гуруҳлар ўзаро келишган ҳолда ўз фикрларини билдиришади, ҳамда уларнинг ҳоҳишлари “Билишни ҳоҳлайман” қисмига ёзиб борилади. Фикрлар тугагач, ўқувчиларга мавзу юзасидан ёзилган матнлар тарқатилади. Ушбу матн мавзуга оид бўлажак тарих фани ўқитувчилар ўзлаштириши лозим бўлган маълумотлардан саралаб тузилади.

Мамлакатимиздаги узлуксиз таълимни фан, ишлаб чиқариш ҳамда жаҳон илм-фани ва таълими билан интеграциялашуви рўй бераётган ҳозирги шароитда ўқув предметларига интеграцион ёндашиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Дарҳақиқат “Таълимда интеграцияни амалга ошириш ҳам иқтисодий, ҳам педагогик ва гигиеник жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга” [3].

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки бу метод бўлажак тарих фани ўқитувчиларини эркин ва мустақил фикрлашга, фикрни аниқ

ифодалашга, ўзида мавжуд билимларни юзага чиқара олишга мантикий фикрлашни ўстиришга ёрдам беради [5].

Муаммога тарих фани мисолида ёндашадиган бўлсак, педагогика олий таълим муассасаларида тарих таълимининг хусусияти икки мустақил курс – Ўзбекистон ва жаҳон тарихини энг қадимги даврдан ҳозирги кунгача бўлган тарихий жараёнлар, воқеаларни хронологик изчилликда ўрганишдан иборат.

Тарихни ўқитишда предметлараро алоқани ўрнатиш – бу турли фан асосларининг мақсад ва мазмунини ўзаро мослаштириб ўқитиш, шунингдек, ўқувчиларнинг билим, эътиқодларини ривожлантиришга мувофиқлаштирилган ҳолда раҳбарлик қилиш деб тушуниш лозим. Россиялик олимлар бу миллий муаммо ҳақида қуйидаги фикрларни билдирадилар.

“Интеграция даражасини биз предметлараро алоқанинг энг юқори даражада амалга оширилиши деб биламиз” [6].

“Интеграциялаш деб биз қуйидаги шартлардан бирини бажариш жараёнини тушинамиз:

1. У мустақил предметларни, улар орасидаги алоқаларни бир мажмуага киритиб, уни структурага айлантиради.
2. У мавжуд бўлган структура элементлари орасига Янги алоқаларни киритади.
3. Ушбу структура элементлари орасидаги бор бўлган алоқаларни янада кучайтиради” [4].

“Интеграцион жараёнлар икки йўналишда амалга оширилади:

- вертикаль интеграция – бу турли босқичда ўрганиладиган курслар мазмуни узвийлигини амал қилган ҳолда;
- горизонталь интеграция – предметлараро алоқани амалга

ошириш, тор мутахассислик даражасидаги алоҳида предметлар бўйича билим ва кўникмаларни тизимига айлантирувчи интеграциялашдан иборат” [2].

Юқоридагилардан келиб чиқиб бўлажак тарих фани ўқитувчиларига ўргатиладиган билимлар кўпроқ амалий машғулотлардан иборатлиги, уларда ижодкорлик, қизиқувчанлик, бадиий дидларини ва касбий тайёргарлигини такомиллаштиришга доир кўникмаларини шакллантиришга қаратилганлигига алоҳида эътибор бериш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдиназарова З., Усмонова Н. Илғор педагогик технологияларни дарс жараёнида тарғиб этиш. // Таълим технологиялари, 2006. №5, 13-бет.
2. Габова М.А. Проблема интеграции в рамках подготовки специалистов в системе педагогический колледж-педагогический институт. // Наука и школа, 2003. №1, стр.58-60.
3. Мусаев У. Интеграция – таълим жараёнини оптималлаштининг муҳим принципи. // Халқ таълими, 2002. №6, 4-бет.
4. Розова М.А. Интегративные тенденции в современном мире и социальный прогресс. –М.: Издательство Московского университета, 1989. стр.164.
5. Сагдуллаев А., Костетский В. Тарих: Қадимги дунё. 6-синф ўқувчилар учун дарслик.-Т.: Шарқ. 2005. 43-46-бетлар.
6. Яворук О.А. Функции интеграции курсов при обучении учащихся основам естественных наук в школе. // Наука и школа, 2002. №1, стр.56.